Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 3 июль, № 140 (8202) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ОҒИЗБИРЧИЛИГИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК МУҲИТИНИ САҚЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль куни Нукус шаҳрига ташриф буюрди.

Маълумки, айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ислоҳ қилиш бўйича муҳокамалар жараёни кетмоқда. Аслида, амалдаги қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Шунга қарамай, Президентимиз бу борадаги қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этди.

Лекин айрим жойларда масаланинг моҳиятини талқин қилишда тушунмовчилик ҳолатлари ҳам учради. Жумладан, лойиҳада кўзда тутилган Қорақалпоғистон Республикасига оид айрим нормаларга бир гуруҳ шахслар томонидан норозилик билдирилди. Бунинг оқибатида 1 июль куни Нукус шаҳрининг марказий кўчаларида намойишлар уюштирилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари биноларини ноқонуний эгаллашга уриниш ҳаракатлари содир этилди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрига етиб келиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев конституциявий ислоҳотлар Ватанимизнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган масала экани, муҳокамаларда кўп миллатли халқимиз кўплаб таклиф ва тавсияларини билдираётганини таъкидлади.

Тартибга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги эълон қилинган қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилади. Фуқаролар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Қонунчилик палатаси томонидан такомилига етказилади. Кейин эса мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси референдумига қўйилиб, фуқароларимиз эркин овоз бериш орқали ўзларининг бу масала бўйича хоҳиш-иродасини ифода этади. Шундан кейингина Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонуний тусга киради.

— Янгиланаётган Конституциямизни такомилига етказиш учун қанча вақт ва муддат керак бўлса, бу жараён шунча давом этади. Бу борада фақат халқимиз билан бамаслаҳат иш олиб борамиз, — деди Президент.

Халқимиз ҳукмига ҳавола этилган мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси ҳали қабул қилинмаган, умумхалқ муҳокамасига қўйилган холос. Шу боис давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг ўзига хос этник, маданий хусусиятлари, миллий урф-одат ва қадриятлари, алоҳида ҳуқуқий мақомини эътиборга олиб, лойиҳадаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақомига оид нормаларни ўзгартиришсиз қолдириш зарурлигини таъкидлади. Яъни Конституциянинг 70, 71, 72, 74, 75-моддалари ўзгаришсиз қолдирилади.

— Такрор айтаман: ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги қардошлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, оғизбирчилигимизни асраб-авайлаш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик муҳитини сақлаш — барчамизнинг бурчимиздир. Конституциявий ислоҳотларимизнинг бош мақсади ҳам айнан мана шундан иборат. Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистонни албатта биргаликда қурамиз, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиздаги барча ислоҳотлар, муҳокамалар, ҳеч шубҳасиз, демократия ва ҳуқуқий мезонлар асосида амалга оширилиши қайд этилди.

Айни вақтда тинчлик ва осойишталик, жамоат хавфсизлигини бузишга уринаётган ҳар қандай шахсларга нисбатан қонун доирасида қатъий чоралар кўрилиши, “Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган қоидани амалда таъминлаш учун куч ва имкониятлар етарли экани таъкидланди.

Президент барча юртдошларимизни ҳамжиҳатлик ва бирдамликка, оқилона иш кўришга, турли ғаразли чақириқ ва ҳаракатларга берилмасликка даъват этди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб, халқимизнинг оғизбирчилигини қўллаб-қувватлади.

ЎзА.

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР МАСАЛА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан “Ёшлар — янги Ўзбекистон ҳамда учинчи Ренессанс бунёдкорлари” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Президентимизнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда илгари сурган таклиф ва ташаббуслари, уларнинг мазмун-моҳияти, бу борада Ёшлар масалалари бўйича комиссия олдида турган устувор вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда келажак ворисларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Уларни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс, комил инсон сифатида тарбиялашга ўзига хос тарзда, замонавий усуллар асосида ёндашилмоқда.

Хусусан, ҳозирги кунга қадар “ёшлар дафтари”га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди. Улар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш устувор йўналишга айланди.

3

Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суврат.

Муносабат

ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР АЙТИЛДИ

Мамлакатимизда кенг қулоч ёзаётган ислоҳотлар замирида, аввало, ёшларимизнинг ёрқин келажаги, тақдири, орзу-умидлари, уларга ҳар жабҳада кўмаклашиш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш каби эзгу ниятлар мужассамдир. Юртбошимиз бу масалани давлат сиёсати даражасигача кўтарганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки Ватан тақдири, миллат келажаги ва истиқболи — бугунги ёшлар қўлида.

2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАВЗЕЛАРИ — ФАРОВОН ҲАЁТ МАНЗИЛЛАРИ

“Бахт индекси” — бу бахтли одамлар ҳаётини ифодаловчи ижобий кўрсаткичлар йиғиндиси. Чунончи, шинам ва кўркам уй-жойга эга бўлиш бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришнинг муҳим шартларидан бири саналади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида юртимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини таъминлашга доир ислоҳотлар одамларнинг эртага эмас, балки бугун бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тарихий орзулар рўёби: янгиланаётган «Жануб гавҳари»

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилишдир. Шу маънода, Сурхондарёда рўй бераётган ўзгаришлар динамикаси анчайин тезкор, ислоҳотлар кўлами ва қамрови эса ғоят кенг. Буни биргина вилоятнинг маъмурий маркази — Термиз шаҳридаги улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Айниқса, кейинги йилларда шаҳар аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлашга доир ишлар шиддати шаҳар қиёфасида тамомила янги чизгиларни акс эттираётир. Тобора кенгайиб бораётган шаҳарда бундан беш-олти йил аввал тўкилай деб турган пахса деворли пастқам ҳовли-жойлар ўрнини кўп қаватли осмонўпар уйлар эгаллаб, замонавий шаҳарсозлик архитектураси туфайли Термиз шаҳри, том маънода, мамлакатимизнинг «Жанубдаги гавҳари»га айланмоқда.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 19-банди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 5 — 7-моддаларига мувофиқ:

1. Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида **2022 йил 3 июль куни соат 00:01 дан 2022 йил 2 август куни соат 00:00 га** қадар бўлган даврда **фавқулодда ҳолат** жорий этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат амал қилиши даврида **соат 21:00 дан соат 07:00 га** қадар **комендантлик соати** жорий этилсин.

3. Фавқулодда ҳолат амал қилиши даврида **Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг комендатураси** ташкил этилсин ва унга Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунида назарда тутилган барча ваколатлар берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўмондони **Рустам Мирзаевич Джураев** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг **коменданти** этиб тайинлансин.

4. Фавқулодда ҳолат амал қилиши даврида қуйидаги **чоралар** ва **вақтинчалик чекловлар** ўрнатилсин:

а) жамоат тартибини, ўта муҳим ва тоифаланган объектларни ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминловчи инфратузилма объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилсин;

б) Қорақалпоғистон Республикасида ҳаракатланиш эркинлиги, шу жумладан, транспорт воситалари учун чеклансин;

в) жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар текширилиши, уларнинг шахсий кўрикдан ўтказилиши, улардаги ашёлар ва транспорт воситалари кўздан кечирилиши таъминлансин;

г) Қорақалпоғистон Республикасига кириш ҳамда ундан чиқиш чеклансин;

д) тинч йиғилишлар, кўнгилочар, спорт ва бошқа оммавий тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилиши тақиқлансин;

е) юридик шахслар фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатишга қаратилган иш ташлашлар ва бошқа ҳар қандай ҳаракатлар тақиқлансин;

ж) қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, махсус воситалар, заҳарли моддалар сотилиши тақиқлансин, шунингдек, дори ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ҳамда этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари муомаласининг алоҳида тартиби жорий этилсин;

з) жисмоний шахслардан қурол ва ўқ-дорилар, заҳарли моддалар, юридик шахслардан эса қурол, ўқ-дорилар ва заҳарли моддалар билан бир қаторда ҳарбий ва ўқувҳарбий техника, портловчи ва радиоактив моддаларнинг вақтинчалик олиб қўйилиши таъминлансин.

5. Фавқулодда ҳолат режими шароитида қўлланиладиган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун масъул этиб Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди комендатураси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, шунингдек, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларининг кучлари ва воситалари белгилансин.

6. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун аниқ таҳдид, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига ҳужум қилиш, уларнинг қурол ва техникасини эгаллаб олиш ҳолатларини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 23-моддасига мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кучлари ва воситалари қўшимча равишда жалб этилсин:

фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудга кириш ва ундан чиқишнинг алоҳида режимини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёт фаолиятини ва транспортнинг ҳаракатланишини таъминловчи объектларни ҳамда инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи, шунингдек, атроф-муҳит учун юқори хавф туғдирадиган объектларни муҳофаза қилиш;

қурол, жанговар ва махсус техника қўлланилган ҳолда зўравонлик ҳаракатлари билан бирга юз берадиган тўқнашувларда иштирок этаётган қарама-қарши курашаётган тарафларни ажратиш;

қонунга хилоф қуролли тузилмалар фаолиятига чек қўйишда иштирок этиш;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг кучлари таркибида фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда, шунингдек, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишда иштирок этиш.

7. Комендант Р.М.Джураев манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида хавфсизликни таъминлаш ва ҳуқуқ тартиботни сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонуни талабларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев ушбу Фармон билан ўрнатилган чоралар ва вақтинчалик чекловларнинг амалга оширилишида қонунийликка риоя этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ва бошқа давлат манбаларидан фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш учун зарур маблағларни ажратсин.

10. Мазкур Фармон 2022 йил 3 июль куни соат 00:01 дан эътиборан кучга киради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.

11. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг
ҚЎШМА ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига ва «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 8-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги «Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида»ги ПФ–164-сонли Фармони тасдиқлансин.

2. Ушбу Қўшма қарор дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.

3. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НОРБОЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 июль

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 3 июль

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МАВЗЕЛАРИ – ФАРОВОН ҲАЁТ МАНЗИЛЛАРИ

1 — Шаҳримиздаги бугунги ўзгаришлар, рости, кишининг ҳам ҳаваси, ҳам ҳайратини оширади, — дейди термизлик меҳнат фахрийси Шокир Хўжаев. — Таъбир жоиз бўлса, кечаги дўппидек шаҳар бугун янги Ўзбекистон давридаги шиддаткор ислоҳотларга мос бунёдкорлик майдонига айланди.

Ҳамма нарсанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти таққослашда билинади. Биз, ёши кексалар шаҳар ҳаёти билан боғлиқ кенг кўламли янгиланиш жараёнларини кўриб қувонсакда, кечаги "оқ-қора" манзаралар хотирамиздаги воқеликларни ёдга солаверади. Номи шаҳар бўлса-да, бу ердаги тор ва ўнғайсиз кўчалар, пастқам уйлар, кўримсиз иншоотлар ғариб бир манзарани акс эттирарди. Ҳозир эса шаҳарнинг қай кўчаси бўйлаб ҳаракатланманг, янгидан бунёд бўлган кўп қаватли тураржойлар, маданий-маиший, савдо, хизмат кўрсатиш иншоотлари кўрган кўзни қувнатиши рост.

Асосийси, янги тураржой даҳаларининг барпо этилаётгани аҳолининг, айниқса, ёш оилаларнинг бекаму кўст яшашига имкон бермоқда. Тўғри-да, кенг ва ёруғ, замонавий коммуникация тармоқларига эга хонадонларда яшашга нима етсин? Ўзимнинг ҳам фарзандларим ана шундай қулай шарт-шароитларга эга кўп қаватли уйларда яшаётганидан ниҳоятда мамнунман.

Отахоннинг қувонганича бор. Аввалари Термиз шаҳрида 3-4 қаватдан баланд уй-жойлар қурилмасди. Энди, ҳатто 16 қаватли уй-жойлар бунёд этиляпти. Юқорига қарасангиз, дўппингиз тушиб кетгудек осмонўпар уйлар қанчадан-қанча оилаларни ўз бағрига олмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, сўнгги беш-олти йил ичида бу ерда 421 та янги, замонавий кўп қаватли уй-жой бунёд этилди. Умумий майдони 866 минг квадрат метр бўлган 15 минг 466 хонадон фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йили вилоятда жами 3 минг 700 хонадондан иборат 7, 9, 10 қаватли 87 та замонавий уй-жой қуриб битказилди.

Яна бир муҳим жиҳат, кўп қаватли уйлар қурилишида монолит усулидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, 2019 йилда Термиз шаҳридаги "Фаровон" даҳасида фойдаланишга топширилган 8 та 7 қаватли уй-жой пишиқ ғишт асосида бунёд этилган бўлса, эндиликда, асосан, 9, 12, 14, 16 қаватли, 808 хонадондан иборат 12 та уй монолит усулида қуриляпти. Аниқроқ айтсак, илгари фақат горизонтал ҳолда жойлашган 3-4 қаватли уйлар бунёд этилган бўлса, энди уларнинг ўрнини тик, осмонга қараб бўйлаган, сейсмик зонага мослаштирилган мустаҳкам, енгил конструкцияли, энг муҳими, чидамли бинолар эгалламоқда.

Бундан ташқари, янги бунёд этилаётган уйлар бир қатор эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда, оралиқ масофалари кенг олинган ҳолда қурилмоқдаки, бу янги мавзеларда шамол айланишини таъминлаши билан эътиборга молик.

> *Аввалари Термиз шаҳрида 3-4 қаватдан баланд уй-жойлар қурилмасди. Энди, ҳатто 16 қаватли уй-жойлар бунёд этиляпти. Юқорига қарасангиз, дўппингиз тушиб кетгудек осмонўпар уйлар қанчадан-қанча оилаларни ўз бағрига олмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, сўнгги беш-олти йил ичида бу ерда 421 та янги, замонавий кўп қаватли уй-жой бунёд этилди...*

Кўркам уйлар — ободлик, замонавий инфратузилма — қулайлик демак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги "2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги қарорига биноан Денов туманида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилаётир. Ҳудуд замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўплаб янги иншоотлар қад ростламоқда. Жумладан, туманнинг Лочин маҳалласи ҳудудида "Янги Ўзбекистон" массиви бунёд этилмоқда. Қишлоқ ҳудуди бўлишига қарамай, шаҳар билан бўйлашаётган ушбу даҳада жами 12 та 7, 9, 12, 14 ва 16 қаватли тураржойлар қурилиб битказилиш арафасида.

Хусусан, яқинда 4 та 16 қаватли уй фойдаланишга топширилиши билан бир йўла 384 оила янги бошпанали бўлди.

Замонавий меъморчилик талаблари асосида бунёд этилаётган бундай даҳаларда аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган савдо ва маиший шохобчалар, боғча, мактаб, оилавий поликлиника сингари ижтимоий соҳа иншоотлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Бунинг натижасида бугун одамларнинг ҳаётида, онгу тафаккурида рўй бераётган бундай ўзгаришларни Сурхондарёнинг исталган қишлоғида кўриш мумкин.

— Ўзим Денов туманининг чекка қишлоғида туғилиб ўсганман, — дейди биз билан суҳбатда Анора Ибодова. — Тўғри, қишлоқда яшашнинг ҳам ўзига яраша гашти бор, лекин қийинчиликлари кам эмас. Ёзда иссиқ, қишда совуқ уйларда яшаш, ўчоқ-қозонда овқат, тандирда нон пишириш аёлларни қийнаб қўйиши рост. Эндиликда оиламиз билан қишлоқ ҳудудида қад ростлаган 16 қаватли уйда, шинам ва барча қулайликка эга хонадонда яшаймиз. Бир пайтлар шундай уйимиз, бошпанамиз бўлишини жуда орзу қилгандик. Бугун бошпанамиз тайин, рўзғоримиз бут, кўнглимиз хотиржам. Бундан мен хурсанд бўлмай, ким хурсанд бўлсин?

Чиндан ҳам, бундай замонавий аҳоли даҳалари туфайли қишлоқлар ва шаҳарлар ўртасидаги тафовут камайиб бораётир. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати, фаровонлиги ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай қурилишлар кўлами эса янада кенг. 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонига асосан 2022 йилда Ангор, Жарқўрғон, Денов ва Сариосиё туманларидаги "Янги Ўзбекистон" даҳаларида жами 66 та кўп қаватли уй-жой барпо қилиниши белгиланган. Айни чоғда ушбу даҳаларда зарур инфратузилмалар яратилади, муҳандислик-коммуникация тармоқлари янгиланади.

Жумладан, Ангор тумани Шарқ гули маҳалласи ҳудудида жойлашган "Янги Ўзбекистон" даҳасида бу йил 17 та 5 қаватли уй-жой бино қилинади.

Айтиш жоизки, "Янги Ўзбекистон" даҳаларида, энг аввало, аҳоли учун қулай шароит яратиш устуворлик касб этаётир. Уй-жойлар билан бир қаторда, мактабгача таълим ташкилоти, спорт мажмуаси, маҳалла гузари, пиёдалар ва велосипед йўлакчаси, болалар майдончалари, автомобиль тураржойлари ва бошқа инфратузилма объектлари ҳам пешма-пеш қурилаётгани бунинг далили.

— Бизнинг "Сурхон саноат қурилиш" компанияси таркибидаги қурилиш корхоналари томонидан Термиз шаҳрининг "Тупроққўрғон", "Саховат" ва "Фаровон" даҳаларида жами 1,5 мингта хонадондан иборат 19 та кўп қаватли уй қурилиши амалга оширилмоқда, — дейди компания бошқаруви раиси ўринбосари Чори Қувватов. — Кластер асосида йўлга қўйилган "қурилиш занжири" фаолиятимизда жуда қўл келаётир. Соҳада жорий этилаётган замонавий технологиялар бунёдкорлик ишларини тез ва сифатли амалга ошириш имконини бермоқда.

Юртимизда аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этишга доир амалий саъй-ҳаракатлар аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган қулай турмуш шароитларини яратиш имкониятини беряпти.

Шу билан бирга, ипотека кредити бозорини ривожлантириш баробарида, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тақдим этилиши уй-жойга эҳтиёжи бор аҳоли қатламини ижтимоий ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда айни муддао бўлмоқда. Биргина Сурхондарё вилоятида жорий йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ 1 минг 733 та оилага Давлат бюджетидан жами 68,6 миллиард сўм субсидиялар тақдим этилиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун сурхондарёликларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, бугунги ўзгаришлардан мамнунлигини изҳор қилади. Кейинги йилларда рўй берган оламшумул ўзгаришу янгиланишларни мўъжизага қиёслайди. Буларнинг барчасини Президентимиз раҳнамолигида халқимиз манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси, деб билади. Бу аҳоли турмуш даражаси фаровонлашаётганидан, сурхон элининг бугуни ва эртасидан рози бўлиб яшаётганидан далолатдир.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР АЙТИЛДИ

1 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан "Янги Ўзбекистон" боғида бўлиб ўтган тантанали маросимда ҳам бир қатор ёшлар фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт соҳаларидаги фаолияти давомида эришган ютуқлари билан янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шон-шуҳратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, эл-юртимизга меҳри ва садоқати, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган ташаббускор ва етакчи ёшларимиз Президентимиз томонидан "Мард ўғлон" давлат мукофоти ҳамда "Келажак бунёдкори" медали билан мукофотланди.

Президентимизнинг тантанали маросимда ёшларга қарата, "...сиздек билимли, фаол ва азму шижоатли ўғил-қизларим бор экан, биз ҳар қандай қийинчиликларни албатта енгиб ўтамиз", дея таъкидлагани ҳар бир йигит-қизга келажакка ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини бахш этгани рост.

Айтиш керакки, "ёшлар дафтари"га киритилган фарзандларимизга замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиши учун субсидиялар ажратиш, илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тўгараклар ҳамда ушбу йўналишлар бўйича маҳаллий ва халқаро олимпиадалар учун давлат ҳисобидан маблағ ажратиш, мусиқа санъатига қизиқиши баланд бўлган ёшларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги ва бахшичилик йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилиши, техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробар оширилиши халқимиз дилидаги гап бўлди.

Қолаверса, хусусий таълим муассасаларида IT технологиялари бўйича ўқиш истагини билдирган йигит-қизларга 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилиши, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига 250 миллиард сўм субсидия ва компенсациялар берилиши каби таклифлар ноёб иқтидори бўлишига қарамасдан, молиявий етишмовчиликлар сабаб уни намоён этолмаётган, кўзлари ёниб турган ўғил-қизларнинг эзгу ниятлари амалга ошишида кўмак бўлиши, шубҳасиз.

Бундан буён ҳар йили олийгоҳларнинг сиртқи бўлимига ўқишга қабул қилинган 500 нафар энг фаол ёшлар етакчиларининг шартнома тўловлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилиши ҳамда "Ёш раҳбар кадрлар захираси" шакллантирилиб, унинг 30 фоизи ёшлар етакчилари ҳисобидан тўлдирилиши ҳам давлатимиз бошқарув тизимида навқирон авлод вакилларининг ўрни ва аҳамиятини оширади.

Президентимиз яна бир муҳим масала — бутунжаҳон интернет тармоғи масаласига тўхталар экан, глобал ахборот тармоғининг миллий сегментида ўсмирларни ўзига жалб қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида ишонарли ва қизиқарли маълумот берадиган контентлар етарли эмаслиги, шу боис дунё ахборот маконида ўзбек миллий контентини ривожлантириш дастури амалга оширилиши, миллий давлатчилигимиз тарихини матнли ва видео контентлар орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги, шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирнинг интернетдаги маълумотлар базасини яратиш, уларнинг асарларини оммалаштириш чораларини кўриш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ушбу таклиф ижроси ҳозирги ахборот хуружи авж олган даврда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, келажак ворисларини миллий мафкура ва миллий ғурур руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бу айни чоғда "Янги Ўзбекистон — ёшлар мамлакати", юртимиз йигит-қизлари эса унинг бунёдкори бўлишига замин яратади. Ишонамизки, бундай имтиёзлардан унумли фойдаланган эртамиз эгалари замон билан тенг-ма-тенг қадам ташлаб, ислоҳотлар самарасини ўз тақдири мисолида кўради, ушбу эзгу амал, эзгу истак йўлида бирлашиб, юрт равнақи, истиқболи учун муносиб ҳисса қўшади.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

Нуқтаи назар

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламига, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга катта эътибор қаратилмоқда. Тиббий-ижтимоий экспертиза соҳасида ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бугунги кунда ногиронликни белгилаш ягона тизими ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 27 ноябрдаги "Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тиббий-ижтимоий экспертиза тизимининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ МОДЕЛИ

Бу тизимга босқичма-босқич ўтиш устувор масала.

2022 йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тиббий-ижтимоий экспертиза тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

Мазкур қарорларга кўра, шу пайтгача мавжуд бўлган шахсни "тиббий-меҳнат" экспертизасидан ўтказиш тизимидан воз кечилиб, "тиббий-ижтимоий" экспертизадан ўтказиш тизимига ўтилди. Республика бўйича 18 ёшгача болаларга янгидан ташкил қилинган 19 та педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси, 18 ёшдан катталарга эса тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронликни белгилаш йўлга қўйилди.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида келгусида ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос "ижтимоий модели"га босқичма-босқич ўтилиши тўғрисида тўхталди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича 66-мақсадида 2022 йил октябргача Ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш бўйича халқаро тажрибани ўрганган ҳолда соғлиғи ва ҳаёт фаолиятининг (функцияларининг) чекланиши халқаро классификацияси асосида фуқароларга ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига ўтиш концепцияси ва унинг тамойилларини амалга ошириш борасидаги "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш белгиланди.

Мазкур топшириқ юзасидан ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш юзасидан 8 боб, 29 та банддан иборат концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Концепция ўз мазмун-моҳиятига кўра, бир қатор устувор йўналишларни қамраб олган ҳолда амалга оширилади. Жумладан, ногиронликни Халқаро фаолият классификациясининг тавсияларидан фойдаланган ҳолда, тана функцияларининг доимий бузилишлари даражасининг оғирлиги ва инсон ҳаётининг асосий тоифалари чекловлари асосида фоизларда, шунингдек, фуқаролар иштирокисиз электрон ахборот тизими орқали белгилаш кўзда тутилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўрикдан ўтказишнинг янги "Тиббий-ижтимоий экспертиза" электрон ахборот тизимини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот олиш ва етказиш, жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун қулай шароитлар яратиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини бошқа фуқаролар билан тенг равишда таъминлаш ҳам назарда тутилган.

Концепция 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган бўлиб, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ушбу даврда соҳага оид қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, зарур бўлган услубий, ахборот ва ўқув материаллари ишлаб чиқилади, соҳа ходимлари тайёрланади. Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлайдиган электрон маълумотлар базаси такомиллаштирилади, фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўрикдан ўтказишнинг янги электрон ахборот тизими ишлаб чиқилади ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар "Электрон ҳукумат" тизими идораларо интеграциялашув платформаси орқали электрон тарзда юборилиши жорий этилади.

Иккинчи босқич 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, ушбу даврда республиканинг барча ҳудудида ахборот олиш ва етказиш мосламалари, жамоат транспортлари, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектлари, ташкилотларда иш берувчилар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши ҳамда фойдаланиши учун қулай шароитлар яратилганлиги хатловдан ўтказилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ногиронликни белгилашнинг ижтимоий модели 2025 йилнинг 1 январидан Сирдарё вилоятида, 2026 йилдан бошлаб республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилади.

Яна бир муҳим масала, бу — соҳа ривожи йўлида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашдан иборат. Бу борада ўтган даврда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги делегацияси шу йилнинг 5 — 15 апрель кунлари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги Г. Альбрехт номидаги ногиронларни реабилитация қилиш илмий маркази, Санкт-Петербург врач-экспертлар малакасини ошириш институти ҳамда Россия Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг Тиббий-ижтимоий экспертиза федераль бюросида бўлишди.

Санкт-Петербург врач-экспертлар малакасини ошириш институти билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича меморандум ҳам имзоланди. Бу билан Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги мутахассислар ўз малакаларини ошириш имконияти янада кенгаймоқда. Жорий йилнинг июнь ойида агентликнинг бир гуруҳ ходимлари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Беларусь Республикасида хизмат сафарида бўлиб қайтди.

Умуман, мавзу кўлами кенг. Шу боис соҳа бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш изчил давом эттирилади. Зеро, илғор давлатларнинг тажрибаларини ўрганиб, таҳлиллар қилиб, халқимизга манзур бўладиган, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини тўлақонли таъминлайдиган ногиронликни белгилашнинг янги модели яратилиши устида иш олиб бориш долзарб масаладир.

Неъматулло МИРЖАЛИЛОВ,
Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

ЎЗБЕК ИПАГИ

ДУНЁДА ЭНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТГА АЙЛАНМОҚДА

Бугунги шиддатли ислоҳотлар даври олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Шу маънода, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш, камбағалликни қисқартириш, янги ва доимий иш ўринларини очиш пировард мақсаддир. Биргина пиллачилик соҳасини оладиган бўлсак, юксак эътибор ва янгича ёндашув туфайли тармоқда юқори самарадорлик таъминланяпти. Ўтган 4-5 йил мобайнида давлат раҳбарининг ушбу соҳага доир қатор қарор ва фармонлари қабул қилиниб, амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилаётгани боис ўзбек ипагининг довруғи дунёда ошиб бораётир.

Аммо жаҳон бозори конъюнктурасининг жуда тез ўзгариб бораётганлиги, истеъмолчиларнинг талаблари кучаяётганлиги, шунингдек, хорижий бозорларда ўзбек маҳсулотларига талаб ошаётганлиги пиллачилик соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда. Бунда Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида "Ўзбекипаксаноат" уюшмасининг ташкил этилгани катта аҳамиятга эга.

Қарор асосида пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш, ипак қурти уруғи ва пилла етиштириш, уни тайёрлаш ва бирламчи қайта ишлашни такомиллаштириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва инвестицияларни кенг жалб қилиш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Таҳлил ва таққос

Бир йилда тўрт марта ҳосил олиш экспорт салоҳиятини оширяпти

Бир йилда тўрт маротаба ҳосил етиштириш орқали, ўтган йилнинг ўзида 117,4 млн. АҚШ долларилик 101 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. 2021 йили 862 мингдан ортиқ кишилар шу соҳада меҳнат қилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 1 млн. 130 минг нафардан ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Айни пайтда барча касаначилар билан шартномалар тузиб қўйилди. Учинчи ва тўртинчи мавсумда пилла етиштириш ҳисобига кўрсаткични 27 минг тоннага етказиш ва 96 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2022 йилда 115 та лойиҳа доирасида 132 млн. АҚШ долларига тенг хорижий инвестициялар ўзлаштирилади. Эътиборлиси, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг маҳсулотлари савдоси бўйича Республика товар-хомашё биржасида махсус платформа ишга туширилди.

Соҳага айнан Президентимизнинг эътибори сабаб бугун эски пиллахоналар ўрнида замонавий ипакчилик кластерлари ташкил этилди ва қисқа даврда уларнинг сони 80 тага етди. Агар янада аниқроқ айтадиган бўлсак, 2017 йилда бундай корхоналар сони, бор-йўғи, 19 та эди ва 30 фоиз қувват билан ишларди, холос. Эндиликда эски, ташландиқ бинолар "ноль" харид қийматида тадбиркорларга берилди. Бунинг ортидан юзлаб иш ўринлари яратилди. Соҳага берилаётган эътибор пилла етиштирувчиларни беҳад қувонтираётгани бор гап. Улар бир йилда узоғи билан (3-4 мавсумда) бир ой давом этадиган, бироқ ўзига яраша машаққатли меҳнатлари қадрини топаётганидан мамнун.

Хусусан, пилла етиштирувчилар қайта ишлаш корхонаси билан келишган ҳолда бир килограмм ҳосил учун 24 минг 700 сўмдан ҳақ олмоқда. Мисол учун 2 қути ипак қуртини парваришлаган пиллакор 1 ойда 2,8 млн. сўм даромад олаётган бўлса, субсидия ажратилиши натижасида даромади 3,4 млн. сўмга етади. 2022 йили етиштириладиган пилла ҳисобига, ушбу субсидияни бериш учун Давлат бюджетидан 120 млрд. сўм, шунингдек, тармоқ корхоналари томонидан пилла нархининг 10 фоизга оширилиши натижасида пиллакорларга 54 млрд. сўм маблағ берилади.

Умуман, давлат томонидан тақдим қилинаётган имтиёз нафақат пиллачилик ривожига салмоқли ҳисса қўшади, балки пиллакорларнинг ҳаёт даражасини оширишга ҳам хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, пиллакорнинг қисқа муддатли иши расмийлаштирилиб, пенсия ёши учун талаб этиладиган стажнинг узлуксизлиги таъминланмоқда.

Буларнинг барчаси давлатнинг соҳа ривожига қаратаётган эътиборининг амалдаги натижасидир.

Пилламизга 24 хорижий давлат харидор

Мамлакатимиздаги маҳаллий уруғчилик корхоналари томонидан 2022 — 2026 йилларда 2 млн. 190 минг қути уруғ тайёрланиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 2022 йилда 320 минг қути, 2023 йилда 380 минг қути, 2024 йилда 460 минг қути, 2025 йилда 500 минг қути ва 2026 йилда 530 минг қути ипак қурти уруғи етиштириш мўлжалланаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки бугунги кунда Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида дунёнинг турли иқлим шароитларига эга давлатлардан 120 дан ортиқ ипак қурти зотлари олиб келиниб, ипак қурти генофондини кенгайтириш ва уни келажак авлодга етказиш мақсадида кўпайтирилиб келинмоқда. Институт олимлари томонидан ушбу зотлар иштирокида селекция ишлари олиб борилиши натижасида замон талабларига жавоб берадиган 10 дан ортиқ янги ипак қурти зот ва дурагайлари пайдо бўлди.

Институтда дунёнинг 16 та мамлакатидан келтирилган тутнинг 240 та нави, шакл ва тизимларидан иборат тут коллекцияси ташкил этилди. Мазкур навлар иштирокида институт олимлари томонидан 100 дан ортиқ янги тут навлари ва дурагайлари яратилди.

Биргина мисол, 2021 йилда тутнинг ҳосилдорлиги юқори ҳамда касалликка чидамли янги "Жарариқ-13", "Жарариқ-14", "Мустақиллик-2018" ва "Марҳамат-2017" навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. 2022 — 2026 йилларда тут генофондини кўпайтириш мақсадида хориж давлатлари билан тузилган меморандумлар асосида янги навларни мамлакатимизга олиб келиб, маҳаллийлаштириш мўлжалланяпти.

2026 йилга бориб ипак маҳсулотлари экспорти ҳажми 191 млн. АҚШ долларидан ошиши кўзда тутилган. Бу лойиҳа амалга ошса, 2021 йилдагига нисбатан 104 млн. 3 минг АҚШ доллари миқдорида кўп маҳсулотни экспорт қилиш имконияти яратилади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, 2021 йилда экспорт ҳажми 87 млн. 5 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич белгиланган режага нисбатан 101 фоизга тенгдир. Яна бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман: 2020 йилга қадар ипак маҳсулотлари 15 та хорижий давлатга экспорт қилинган бўлса, бугунги кунга келиб, пилламизга 24 та хориж давлати харидор.

Ипак қурти уруғини етиштириш маҳаллийлаштирилмоқда

2026 йилга бориб хом ипак ишлаб чиқаришни 3 минг 300 тоннага, ипак момиғини 1 минг 100 тоннага, калаваланган ипак ипини 2 минг 300 тоннага, ипак мато ишлаб чиқаришни 24 млн. погон метрга, ипак гилам тўқишни 2 минг 450 донага, тайёр ипакли маҳсулотларни 12,5 млн. донага етказиш кўзда тутилган.

Ипак маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва ошириш мақсадида бугунги кунда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси қошида синов лабораторияси фаолияти ҳам йўлга қўйилди. 2022 йилда тизимдаги барча пиллачилик кластерларида бундай синов лабораториялари тўлиқ ишга туширилиши таъминланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Андижон вилоятида 2022 йилда 54,6 минг қути ипак қурти парваришлаш режалаштирилган бўлиб, "Asaka Silk Worm" МЧЖ ва "Andijan Guang Tong" МЧЖ корхоналари томонидан 2022 йил учун 60 минг қути ипак қурти уруғи тайёрланиб, вилоятда ипак қурти уруғини етиштириш 100 фоиз маҳаллийлаштирилди.

> *"2026 йилга бориб хом ипак ишлаб чиқаришни 3 минг 300 тоннага, ипак момиғини 1 минг 100 тоннага, калаваланган ипак ипини 2 минг 300 тоннага, ипак мато ишлаб чиқаришни 24 млн. погон метрга, ипак гилам тўқишни 2 минг 450 донага, тайёр ипакли маҳсулотларни 12,5 млн. донага етказиш кўзда тутилган."*

Шунингдек, 2023 йил учун ипак қурти уруғчилик корхоналари томонидан ипак қурти уруғларини тайёрлашда маҳаллий маҳсулот улушини кўпайтириш мақсадида маҳаллийлаштириш даражаси 72,2 фоизга ҳамда 2024 йилда 81,5 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди

Бугунги кунда Ўзбекистонда пилла етиштириш тизимли равишда ташкил этилганлиги сабабли бизнинг тажрибамизни ўзларида жорий қилиш бўйича қўшни давлатлардан таклифлар тушмоқда.

Масалан, Хоразм вилоятида фаолият юритаётган "Хоразм пилла холдинг" МЧЖ ва Озарбайжон Республикасининг Шеке туманида жойлашган "Озар ипаги" корхонаси ҳамкорлигида ушбу мамлакатнинг Барда туманида пиллачиликка ихтисослаштирилган Ўзбекистон — Озарбайжон қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилаётгани фикримизга аниқ мисол бўла олади.

Бундан ташқари, тожикистонлик мутахассислар Ўзбекистондаги ипак қурти боқиш тажрибасини ўрганиш таклифини билдиришмоқда. Шу боис "Сурхон ипаги" МЧЖ корхоналари томонидан Тожикистонда 5 минг қути ипак қурти парваришланди.

Бугунги кунда 76 та пиллачилик кластери томонидан 7,5 минг тонна қуруқ пилла қайта ишланмоқда. 2021 йилда 2 минг 378 тонна ёки 2020 йилнинг мос давридагига нисбатан 7 фоиз кўп хом ипак ишлаб чиқарилди.

Шунингдек, пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан ипак маҳсулотлари турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Жумладан, ипак момиғини ишлаб чиқариш 2021 йилда 793 тонна, калаваланган ипак ипи тайёрлаш 9 154,7 минг погон метр, ипак гилам ишлаб чиқариш 342 дона, тайёр ипакли маҳсулотлар туркуми эса 935,7 минг донани ташкил этмоқда.

Қўлда тўқилган ипак гиламларининг бозори чаққон

Қўшилган қийматли занжирни яратиш мақсадида Германия Федератив Республикасининг "Afghan Bazar Carpets Gmbg" компанияси билан ҳамкорликда қўлда ипак, жун ва пахта аралашмаларидан гилам тўқишга ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

Хусусан, Андижон вилоятида лойиҳа қиймати 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги "Afghan Bazar Silk Carpets Andijan" МЧЖ ҚК очилиб, ушбу корхонада 40 та гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатилди ҳамда 101 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Қашқадарё вилоятида лойиҳа қиймати 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги "Afghan Bazar Silk Carpets Shakhrisabz" МЧЖ ҚҚда 50 та гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатилган ҳамда 80 нафар хотин-қиз ишли бўлган.

Сурхондарё вилоятида лойиҳа қиймати 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги "Afghan Bazar Silk Carpets Asia" МЧЖ ҚК фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу корхонада 50 та гилам тўқиш дастгоҳи мавжуд ва 220 нафар хотин-қиз банд этилди.

2021 йил давлат дастурига киритилган лойиҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги қарори асосида соҳага жами 19,7 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши белгиланган бўлиб, шундан, 6,4 млн. АҚШ доллари корхоналарнинг ўз маблағи, 7,9 млн. АҚШ доллари тижорат банки кредитлари ва 5,4 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу миқдор 2020 йилдагига нисбатан 15,6 млн. доллар (126 фоиз)га ошган. Шунингдек, 2021 йилда уюшма тизимидаги корхоналар томонидан янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш ҳисобига 117,4 млн. АҚШ доллари ҳажмида инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.

Етарли озуқа пиллани тиллага айлантиради

Айтиш жоизки, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида республикамиз бўйича 70 млн. туп тут кўчатини экиш режа қилинган эди. Эътиборлиси, ҳозирда бу режа 122 млн. тупга етказилди. Бугунги кунда тут плантациялари 54 минг гектардан ортди. Тут майдонлари касаначиларга бўлиб берилиб, дарахт оралаб мева, сабзавот экишлари ва ундан ҳам даромад топиши, оилалари, рўзғорларига барака киритишлари учун шароит яратилди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг куз фаслидан бошлаб фаолиятидан қатъи назар, фермерлар дала четларига ток ёки тут кўчатларини экиши бўйича кўрсатма берилган эди. Бу борада уюшмамиз тизимидаги корхоналар томонидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

Таққослаш учун, 2017 йилда тут кўчатлари тўлиқ Хитойдан олиб келинган бўлса, шу кунларда ўзимизда тут кўчатчилигига ихтисослаштирилган 22 та фермер хўжалиги ташкил топди. Бугунги кунда тут кўчатларини бошқа давлатларга экспорт қилишга ҳам эришилмоқда. Бу борада Андижонда ўзига хос тажриба яратилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда "In vitro" усулида лаборатория ташкил этиш бўйича ишлар якунига етмоқда. Бу илмий ташаббус орқали фақат баҳор ва куз ойларида эмас, балки йилнинг 12 ойида тут кўчатини етиштириш имкони пайдо бўлади.

Тутзорларда томчилатиб суғориш тизимини барпо қилиш ва қудуқ қазиш ишларини ташкил этиш мақсадида Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида "Зомин асл ипак толаси" МЧЖ томонидан 1,5 минг гектар лалми ерлар ўзлаштирилиб, 37 та артезиан қудуқ қазилди ва 37 та трансформатор ўрнатилиб, ишга туширилди. Ҳозирги кунда ушбу ер майдонларида тут кўчатлари экилиб, 247 гектар янги тутзорлар барпо қилинди.

Соҳада 2021 йилда 862 минг 500 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган бўлса, пилла етиштириш ҳажмини ошириш ва янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига бандлиги таъминланган аҳоли сонини 2026 йилда 1 млн. 322 минг нафарга етказиш кўзда тутилган. Хусусан, жорий йил учун бу кўрсаткич 1 млн. 130 минг нафарни, 2023 йилда 1 млн. 175 минг нафарни, 2024 йилда 1 млн. 222 минг нафарни ва 2025 йилда 1 млн. 271 минг нафарни ташкил этади. Бинобарин, пиллачиликда иш ўрнининг кўпайиши соҳанинг равнақ топиши билан чамбарчас боғлиқ. Чунки пиллани хомашё шаклида сотишдан кўра, уни чуқур қайта ишлаш орқали ипак калаваларга айлантириш кўпроқ даромад келтирса, махсус ускуналарда тайёр гилам ёки либослар кўринишига келтириш янада мўлроқ фойда олишни назарда тутади. Бунинг самараси ўлароқ эса ўзбек ипагининг дунё бозорида харидоргирлиги ортади.

Баҳром ШАРИПОВ,
«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси бошқаруви раиси.

АҲОЛИ ТАКЛИФЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЮЗАСИДАН ТУШУНТИРИШ БЕРИЛДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган очиқлик ва шаффофлик сиёсати боис жамият ҳаётида, муҳими, халқимиз дунёқарашида ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. Бу жорий кунларда кечаётган конституциявий ислоҳотлар жараёнида кўзга яққолроқ ташланмоқда.

Тадбир

Дарҳақиқат, ўтган қисқа давр ичида юртдошларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ошди, қарашлари ўзгарди ва пировардида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида ўз муносабатларини билдира бошлади.

Бугун инсон қадри улуғланган давлатда ҳар бир фуқаронинг фикри, нуқтаи назари муҳим. Мамлакатимиз Бош қомуси — Конституция эса халқ ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қила олиши шарт. Шу нуқтаи назардан, бугун халқ фикрига, таклифларига қулоқ тутилаётир. Демак, ҳар биримиздан улкан масъулият ва элу юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ила ёндашиш талаб этилади.

Ушбу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, бошқа ҳудудларда бўлгани каби Сирдарё вилоятининг Боёвут, Янгиер ва Гулистон туманларида ҳам "Менинг Конституциям!" мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

Мазкур тадбирларда иштирок этган Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Тўйчиев конституциявий ислоҳотлар зарурати ҳамда янгиланишларнинг ҳозирги босқичида бунинг аҳамияти хусусида атрофлича тўхталди.

Шунингдек, иштирокчиларга Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан кўзланган асосий мақсад ҳамда аҳоли томонидан билдирилаётган таклифларнинг Конституциявий комиссия томонидан кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида атрофлича тушунтириш берилди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР МАСАЛА

1 Айниқса, сўнгги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Шу билан бирга, таълим сифатини ошириш бўйича ҳам катта-катта қадамлар қўйилмоқда. Бу борада янги Ўзбекистоннинг янги мактаблари — Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар кўлами кенгайиб, уларда таҳсил олаётган ўқувчилар юқори натижаларга эришмоқда.

Тадбирда Президентимиз эртамиз эгалари билан учрашувда ўта долзарб ва аниқ таклифлар, амалий ташаббусларни илгари сурганн, хусусан, 14 — 17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга "ёшлар дафтари"да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш имконияти яратилиши ҳақидаги фикрлари юртимиздаги миллионлаб ёшлар томонидан қўллаб-қувватлангани айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда 404 минг йигит-қиз ўрта таълимни, 151 минг нафари профессионал таълим муассасасини битириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг бандлигини таъминлаш энг долзарб вазифадир. Бу борада 130 минг нафар ўсмирга касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқиши учун 160 миллиард сўм субсидия ажратилиши, 110 мингдан зиёд ўғил-қизлар давлат корхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига жойлаштирилиши айни муддао бўлди.

Давра суҳбатида шу кунларда Конституциямизни умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиб, уни такомиллаштириш бўйича жуда муҳим сиёсий ислоҳотлар амалга оширилаётгани, келиб тушган таклиф ва ташаббусларнинг 70 фоиздан кўпи айнан ёшлар томонидан билдирилаётгани қайд этилди.

Янгиланаётган Конституцияда йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этиши айтилиб, ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир нормалар Конституциявий қонун лойиҳасида акс этаётгани таъкидланди.

Тадбир сўнгида навқирон авлод билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2022 йил 3 июль

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

82 ТА МАҲАЛЛА БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ташаббуси ҳамда туман, шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида жорий йилда 82 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси фойдаланишга топширилди.

— Бизнинг маҳалламизда бугун қўшалоқ байрам, — дейди "Бешкуви" МФЙ раиси Собир Жалилов. — Маҳалламизнинг давлат-хусусий шериклик асосида қурилган янги биноси очилиши баробарида, тиббиёт пункти ҳам иш бошлади. Маҳалламиз туман марказидан 15 километр узоқликда жойлашган. Шу пайтгача аҳоли тиббий хизматдан фойдаланиш учун 8 километр йўл босиб, энг яқин ҳисобланган Оилавий шифокор пунктига борар эди. Энди эса бу муаммо барҳам топганидан каттаю кичик бирдек хурсанд.

Фойдаланишга топширилган маҳалла фуқаролар йиғини биноларида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори учун зарур шароитлар яратилган.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

«ТАДБИРКОРГА КЎМАК» МАРКАЗЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Жиззах шаҳридаги бозорларда "Тадбиркорга кўмак" марказлари ўз фаолиятини бошлади. Бу эса маҳаллий тадбиркорлар учун яхши қулайликни юзага келтирди.

Ушбу марказларда ишбилармонларга солиқ қонунчилигига оид сўнгги ўзгартишларни таништириб бориш баробарида ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш, солиқ ҳисоботларини юбориш, қулай солиқ режимини танлаш, дастлабки бухгалтерияни юритиш каби масалаларда амалий ёрдам кўрсатиляпти. Хизматлар бепул йўлга қўйилган.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

45 МИНГ НАФАР АҲОЛИ ИЛК БОР ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Мамлакатимизда ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Биргина Андижон вилоятида шу йилнинг ўтган даврида 255,8 километр ичимлик суви тармоғи тортилди.

Бундан ташқари, 300 дан ортиқ сув қудуқлари ва минораларини қуриш, ишга тушириш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу эса чекка ҳудудларда ҳам истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини берди. Жумладан, Қўрғонтепа, Балиқчи, Олтинкўл, Андижон ва Бўстон туманларида 25 — 30 йил давомида муаммо бўлиб келган ичимлик суви таъминоти барқарорлашди.

Андижон туманидаги Отчопар маҳалласида янги сув қувурининг тортилиши шу ерлик аҳолининг 25 йиллик ташвишларини аритди. Балиқчи туманидаги "Шеробод", Қўрғонтепа туманидаги "Иқтисодчи", Олтинкўл туманидаги "Хондибоғи" маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам 30,5 километр ичимлик сув тармоғини тортиш, 5 та қудуқни қуриш ва таъмирлаш юмушларининг бажарилиши аҳолини ер остидан сув тортиб олиш ёки автоуловлар орқали келтириш каби кундалик ташвишлардан халос қилди.

— Ер ости суви ҳар доим ҳам ичишга яроқли бўлмайди, — дейди "Иқтисодчи" МФЙда яшовчи меҳнат фахрийси Ҳуррият Каримова. — Ана шундай пайтларда булоқ сувини истеъмол қилганмиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам сувни маълум масофадан ташиб келишимизга тўғри келарди. Ёзда-ку, майли, бироқ куз-қиш мавсумининг ёғин-сочинли кунларида сув ташиш азобнинг ўзи эди. Ҳозирда ҳар бир кўчага сув жўмраклари ўрнатилди, сифатли, хавфсиз ичимлик суви тармоғи тортилди.

Вилоятда айни соҳага қаратилаётган эътибор туфайли 45 мингдан зиёд аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди. Йил якунига қадар бу йўналишда яна 42 та объектда 138 миллиард 566 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» АЖ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали фаровон турмуш шароитларини яратишда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаси салмоқли ўрин тутади. Халқимиз "Уловини суғору, пулини ол", деб бежиз айтмаган. Боиси хизмат кўрсатиш соҳаси янги иш ўринларини камхаражат билан ва қисқа фурсатларда ташкил этиш имконини бериш билан бирга, ҳар бир мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсир қилувчи йўналиш сифатида намоён бўлиб улгурган. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоб-китобига кўра, хизматлар соҳасининг 1 фоизга ўсиши камбағалликни ўртача 1,5 фоизга қисқартириш имконини берар экан.

Молия муассасаларида

Мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тез ривожланувчи тармоқлар сирасига кириб, фаолият кўлами ва қамрови йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Рақамлар кўринишида ифодаласак, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 38 фоизи ва умумий корхоналарнинг 60 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. Республикада жами банд аҳолининг 50 фоиздан ортиғи хизматлар соҳасининг улгуржи ва чакана савдо, таълим, транспорт, давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат йўналишларида фаолият юритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил қилишни молия муассасаларининг кўмагисиз тасаввур этиш мушкул. Шу жиҳатдан республика "Ўзмиллийбанк" АЖ мазкур йўналишда тадбиркорликни йўлга қўйиб, ўз бандлигини таъминлаш баробарида кўпнинг фаровонлигини оширишга интилаётган кишилар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада Навоий вилоятида ҳам бир қатор истиқболли лойиҳалар амалиётга жорий этилгани эътиборга молик.

— Жорий йил бошидан буён банкимиз томонидан 2,7 миллиард сўмлик жами 16 та лойиҳа молиялаштирилиб, 560 та иш ўрни яратилди, — дейди "Ўзмиллийбанк" Навоий вилояти филиалининг кредитлаш бўлими бошлиғи Эркин Маҳмудов. — Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳар бир ҳудудни ривожлантиришнинг асосий драйвери ҳисобланишини инобатга олиб, келгусида яна 15 миллиард сўмлик умумий лойиҳаларни молиялаштириб, 24 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Мазкур лойиҳалар самараси ва хизматлар соҳасининг банк иштирокидаги ривожланиш жараёни билан Навоий вилояти мисолида таништириш мақсадида "Ўзмиллийбанк" АЖ Матбуот хизмати томонидан ОАВ вакиллари учун пресс-тур уюштирилди.

Ишонтирилмайди — ишонч қозонилади

Пресс-тур доирасида ОАВ вакиллари банкнинг Навоий вилояти филиалида бўлиб, молия муассасасининг ҳудуд иқтисодиётидаги ўрни ва мижозларга хизмат кўрсатишда тақдим этаётган қулайликлари билан танишди.

Банкнинг Навоий вилояти филиали 1996 йилнинг январь ойида 12 нафар ишчи-ходим билан ҳудуд молия бозорида ўз фаолиятини бошлаган бўлса, бугун у ўз тузилмаларига 280 нафар юқори малакали мутахассисни бирлаштириб, вилоят аҳолиси, хорижлик меҳмонлар ва инвесторларга, йирик тадбиркорлик субъектларига ўзининг сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, бугун "Ўзмиллийбанк" АЖ Навоий вилоятининг Қизилтепа, Кармана каби қишлоқ туманлари, "Навоий" эркин иқтисодий зонаси, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳри каби олис ҳудудларида ўз филиаллари фаолиятини йўлга қўйиб, аҳоли ва мижозларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Мазкур филиаллар томонидан ажратилган кредитлар ёрдамида вилоятда катта-катта интенсив боғлар, йирик сиғимли замонавий музлаткичлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари, умумий овқатланиш масканлари фаолияти йўлга қўйилди. Аниқроқ айтганда, 2021 йил якуни билан вилоятда саноат соҳасида 164,2 млрд. сўмлик 16 та, қишлоқ хўжалигида 101,8 млрд. сўмлик 28 та, хизмат кўрсатишда 18,5 млрд. сўмлик 38 та лойиҳа амалга оширилди.

Ушбу тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратилиши натижасида 10 минг 640 та иш ўрни яратилди.

Филиал тизимидаги муассасалар томонидан жами 217,5 минг мижозга банк хизматлари кўрсатилиб, уларнинг 209,3 мингтасини жисмоний шахслар, 8,2 мингтасини эса юридик шахслар ташкил этади. Жисмоний шахсларнинг жами депозит қўйилмалари 415,9 млрд. сўмга тенг бўлиб, тўлов пластик карточкаларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида жойларда 28 та банкомат, 12 та инфокиоска, 3 минг 279 та савдо терминали дислокация қилинган.

— 2014 йилдан "Ўзмиллийбанк" мижозимиз, ўшандан буён банк хизматидан, жумладан, бир неча марта кредитлар портфелидан фойдаландик, — дейди оилавий корхона раҳбари Шерзод Очилов. — Шу пайтгача бирор марта муаммога дуч келган эмасмиз. Қайтанга сўнгги пайтларда банк хизматининг сифати ошиб, бир қатор енгилликлар жорий этилмоқда. Мисол учун банкка келмасдан 24 соат давомида турли операцияларни амалга ошириш имконига эгамиз.

Банк филиалида замонавий инновацион хизматларнинг йўлга қўйилиши натижасида мижозларнинг 65 фоизи масофадан бошқариладиган банк хизматларидан фойдаланмоқда. Бунда ҳисоб рақамларда банк айланмаларини амалга ошириш, онлайн кредит расмийлаштириш ёки кредит қарздорлигини қоплаш, халқаро ва миллий пластик карточкаларда ҳар қандай банк амалиётлари ҳамда тўловларни бажариш, омонат расмийлаштириш, хорижий валюталарда конверсион амалиётлар, пул ўтказмалари каби банк хизматларидан молия муассасига келмай туриб фойдаланиш мумкин.

Пул бор жойга хизмат келади

Навоий вилоятида барқарорлик рельсига тушиб олган йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Шулар ҳисобидан ҳудуд аҳоли даромади бўйича республикамизда етакчилар қаторида. Табиийки, пул бор жойда хизмат ва сервис ўз имкониятларини тақдим этади. Шу жиҳатдан ўтган йил кўрсаткичларига разм солсак, вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажми 2,7 трлн. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 120,4 фоизга етганлигини кузатиш мумкин. Айни чоғда вилоятда 13 мингдан зиёд корхоналар айнан сервис соҳасида фаолият олиб бораётганига қарамасдан ҳудудда яна 5 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш шохобчаларига эҳтиёж мавжудлиги юқоридаги фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Жорий йилнинг I чорак якуни билан вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажми 2 трлн. 669 млрд. сўмни, ўсиш суръати 119,3 фоизни ташкил этиб, натижада 9,7 мингта янги иш ўрни яратилди. Йил бошидан буён 1 минг 458 та хизмат кўрсатиш корхонаси янгидан ташкил этилиб, йил якунида эса вилоятда хизмат кўрсатиш ҳажмини 12,9 трлн. сўмга етказиш, 24 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Пресс-тур иштирокчилари Кармана туманининг "Ёшлик" МФЙ ҳудудида жойлашган "Karmana Profstroy" МЧЖга қарашли ўқув марказида бўлиб, хизмат кўрсатиш қулайликлари билан танишди.

Марказ фаолияти "Ўзмиллийбанк" АЖ билан ҳамкорликда йўлга қўйилган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 1 млрд. 120 млн. сўмни ташкил этади. Шундан банк томонидан ажратилган 920 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи эвазига зарур жиҳозлар сотиб олинган.

— Биз педагоглар оиласимиз, — дейди марказ таъсисчиларидан бири Феруза Ҳамидова. — Фаолиятимизни репетиторликдан бошлаганмиз. Ижарада ҳам, уйимизда ҳам, ертўлаларда ҳам дарс ўтиб, олий ўқув юртларига абитуриентларни, тоифасини ошириш учун турли соҳа вакилларини тест синовларига тайёрладик. Мана, бугун банк кредити ёрдами билан ушбу ҳашаматли марказни қуриб, жиҳозладик. Айни пайтда бу ерда 22 нафар ўқитувчи 500 нафарга яқин тингловчиларга сабоқ бермоқда.

Шундан сўнг ОАВ вакиллари вилоятнинг Қизилтепа шаҳри, "Ўзбекистон" МФЙда жойлашган "Bo'ston Gumbazi" МЧЖга қарашли меҳмонхона фаолияти билан танишди. Ушбу маскан лойиҳасининг умумий қиймати 1 млрд. 195 млн. сўмни ташкил этиб, шундан 500 млн. сўми "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан ажратилган кредитдан иборат.

Шимолий ҳудудларда

Пресс-тур иштирокчилари танишувнинг иккинчи кунида вилоятнинг шимолий ҳудудлари — Зарафшон шаҳри ва Учқудуқ туманига йўл олди. Мамлакатимизнинг "олтин сандиғи", деб номланувчи ушбу ҳудудда кончилар ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратизим ишчи-хизматчилари истиқомат қилади. Табиийки, хизмат ва сервис соҳасида имконият ва эҳтиёжлар мутаносиблиги молия муассасалари кўмаги билан таъминланмоқда. Хусусан, "Ўзмиллийбанк" АЖнинг ҳудудлардаги бўлимлари томонидан бир қатор истиқболли лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши аҳолига қулайликлар яратмоқда.

Зарафшон шаҳрининг "Наврўз" МФЙда жойлашган нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхона шулардан бири бўлиб, унга "Premium Service Zarafshan" МЧЖ томонидан банкнинг 639 млн. кредити ёрдамида асос солинган. Шундан 439 млн. сўмини "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси маблағлари ташкил этади.

Бугунги кунда мазкур корхонада 10 нафар маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланган бўлиб, корхонада 20 га яқин турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

— "Yoshlar — kelajagimiz" лойиҳаси асосида кредит олиб, иккита цех ва иккита савдо нуқтаси фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳозирча 10 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаганмиз, — дейди лойиҳа раҳбари Дилшод Негматов. — Келгусида ишлаб чиқариш ва маҳсулот ассортиментини ошириш эвазига янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Шу мақсадда бизнес лойиҳасини тақдим қилдик. Насиб этса ушбу лойиҳа ҳам банк томонидан молиялаштирилиб, яна янги иш ўринлари яратамиз.

ОАВ вакиллари Учқудуқ шаҳрида "Ўзмиллийбанк" АЖнинг 2 миллиард сўмлик кредит маблағи туфайли аҳоли ва меҳмонларга кенг турдаги хизмат кўрсатишни тақдим этаётган "Shaxzodbek Platinum Plus" МЧЖ фаолиятига ҳам назар солишди.

Мазкур корхона ўз таркибида қандолатчилик, маиший техникалар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат савдо дўконларини жамлаган маиший хизмат кўрсатиш комплексини ташкил этади. Унинг асосий базаси — супермаркетда 30 га яқин фуқаролар иш билан таъминланган бўлиб, унинг негизида маиший техникаларга сервис хизмати кўрсатиш, таъмирлаш ишлари ҳам йўлга қўйилган.

Корхона раҳбари Шерзод Холиқовнинг таъкидлашича, кредитдаги интизом сабаб банкнинг ишончли ҳамкорига айланиб, яна бир йирик лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан яна 20 га яқин иш ўринлари яратилади.

Банк мутахассислари пресс-тур иштирокчиларини туманнинг Алишер Навоий номидаги МФЙда жойлашган тиббий диагностика маркази фаолияти билан ҳам таништирди. "Panterra Black" МЧЖга қарашли мазкур муассасада 5 нафар малакали мутахассис аҳолига тиббий диагностика хизмати кўрсатади, бунинг учун зарур барча тиббий ускуналар етарли. Бунда марказга "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан ажратилган 500 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари қўл келди.

Дарвоқе, пресс-тур банк ва мижозлар ўртасида мулоқот минбарига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Яъни шу аснода банк мутахассислари тадбиркорларнинг таклиф ва янги лойиҳалари билан танишиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда хизматларни кенгайтириш, янги турларини йўлга қўйиш, илғор тажриба ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича ўз тавсияларини билдирди. Истиқболли лойиҳалар аҳолига қулайликлар яратиш билан бирга, тадбиркорлар учун ҳам, банк учун ҳам иқтисодий самарадорлик келтириши таъкидланди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 533 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.10 Топширилди — 05.20 1 2 3 4 5 6